



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ИНФРАТУЗИЛМА
СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Исмаилов Акмал Максудович -

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети и.ф.н., доцент

Касимов Азамат Абдукаримович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети PhD.,

Юлдашев Голибжон Тургунович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a40

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда уй-жой коммунал инфратузилма соҳасининг бугунги ҳолати, хусусан, аҳоли уй-жой фонди ва унинг республика ҳудудлари бўйича тақсимланиши ҳамда бир киши ҳисобида аҳолининг уй-жой билан ўртача таъминланганлиги, уй-жой фондини ободонлаштириш жараёнлари ёритиб берилган. Шунингдек, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: уй-жой, коммунал хизмат, уй-жой коммунал инфратузилмаси, уй-жой фонди, ободонлаштириш.

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНОЙ
ИНФРАСТРУКТУРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Исмаилов Акмаль Максудович -

Ташкентский государственный экономический
университет, к.э.н., доцент,

Касимов Азамат Абдукаримович -

Ташкентский государственный
экономический университет, PhD.,

Юлдашев Голибжон Тургунович -

Ташкентский государственный экономический
университет, старший преподаватель

Аннотация. В данной статье описывается современное состояние жилищно-коммунальной инфраструктуры в стране, в частности, распределение жилищного фонда и его размещение в стране, а также среднестатистическая жилищная площадь, процесс улучшения жилищного фонда. Также разработаны научные предложения по основным направлениям дальнейшего развития жилищно-коммунального хозяйства.

Ключевые слова: жилищно-коммунальное хозяйство, жилищно-коммунальная инфраструктура, жилищный фонд, благоустройство.

STRATEGIC DIRECTIONS OF HOUSING AND COMMUNAL INFRASTRUCTURE
DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Ismailov Akmal Maksudovich -

Tashkent State University of Economics,
Ph.D., Associate Professor,

Kasimov Azamat Abdugarimovich -

Tashkent State University of Economics, PhD.,

Yuldashev Golibjon Turgunovich -

Tashkent State University of Economics, senior lecturer

Annotation. This article describes the current state of housing and communal infrastructure in the country, in particular, the distribution of the housing stock and its distribution in the country, as well as the average per capita housing, the process of improving the housing stock. Also, scientific proposals on the main directions of further development of housing and communal services have been developed.

Keywords: housing, utilities, housing and communal infrastructure, housing stock, landscaping.

Кириш. Уй-жой коммунал хизмат кўрса-
тиш соҳаси инсон ҳаёти учун зарур шарт-шаро-
итларни, биринчи навбатда, уй-жойнинг қулай-

лиги, унинг муҳандислик жиҳатдан қулай ечим-
ларга эга эканлиги, транспорт, алоқа, маиший ва
бошқа хизматларнинг сифат даражаси, турмуш

сифати ва ижтимоий жиҳатдан уй-жой қурилишини такомиллаштиришни белгилайдиган мамлакат инфратузилмасининг энг муҳим қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидаги фикрларни: “Эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб бораётган ишларимиз кўлами янада кенгайтирилади. Бунда 27 мингта ёки бу йилга нисбатан 2,5 баробар кўп оиланинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадалларини тўлаш ва кредит фоизларини субсидиялаш учун 2,4 триллион сўм йўналтирилади” таъкидлаб ўтган [1]. Шундан ҳам кўриш мумкинки, мамлакатимизда бугунги кунда уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса соҳани янада ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади. Бунинг барчаси ушбу тадқиқотнинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган уй-жой коммунал инфратузилма соҳасини ривожлантириш борасида кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Д.Макаров XVII-XXI асрлардаги уй-жой коммунал хўжалиги тизимини ривожлантириш бўйича илмий-назарий тадқиқотлар олиб борган. М.Кондратьеванинг фикрича, коммунал хўжалик шаҳарлар, туманлар ва қишлоқлар аҳолисига хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар фаолияти мажмуи бўлиб, у шаҳар иқтисодиётининг бир қисмидир [2].

Шу боис шаҳар иқтисодиёти ва уй-жой коммунал хўжалиги ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Шаҳар иқтисодиёти аҳолининг кундалик маиший, ижтимоий-маданий, коммунал эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган хизматлар, корхоналар, муҳандислик иншоотлари ва тармоқлари мажмуидир. Шаҳар иқтисодиётига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш функцияларини бажарадиган корхоналар, жумладан, шаҳар (худуд) аҳолисига хизмат кўрсатадиган транспорт, маиший хизмат кўрсатиш, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа баъзи тармоқлар киради [3].

Сўнгги даврларда юқори демографик ўсиш ва урбанизациялашув даражасининг ошиши натижасида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига талабларнинг ортиб бориши, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, яшаш шароитини яхшилаш ва аҳоли маданиятини юксалтиришда муҳим омиллардан бири бўлиб бормоқда.

Бошқача айтганда, уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аҳолига қулай яшаш шароитларини таъминлаш ва уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг турли иштирокчилари манфаатлари мувозанатини таъминлаш учун истеъмолчиларга сифатли уй-жой коммунал хизматларини тақдим этишдан иборат [4]. Шунингдек, уй-жой коммунал хўжалиги шаҳар муҳитини шакллантириш ва бошқаришда ҳамда экологик тозаликни таъминлашнинг асосий йўналиши сифатида эътироф этилади [5].

Умуман олганда, коммунал ташкилотларнинг фаолияти ва кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда жамоавий ҳаракатлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш механизмларининг мавжудлиги жамиятнинг фаол иштирокига боғлиқдир [6]. Шунингдек, коммунал бошқарув механизмларининг иштирокчи ва шаффоф қарорлар қабул қилиш жараёнларини рағбатлантириш ҳамда яратилаётган имтиёзлар ҳам муҳим роль ўйнайди [7]. Бу кўп жиҳатдан уй-жой коммунал инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатида боғлиқдир [8].

Соҳани илмий тадқиқ этиш уй-жой-коммунал хўжалигининг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашув босқичларини кузатиш ҳамда истиқболларини белгилаш имконини беради [9]. Мазкур соҳанинг ривожланиши шаҳар ободонлиги, аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланиши, тараққиёт натижаларининг табиатга салбий таъсирини камайтириш ва муҳими соғлом турмуш тарзини яратиш имконини оширади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда расмий статистик маълумотлар, статистик кузатиш, статистик жадвал ва графиклар, шунингдек, статистик ва солиштирма таҳлил усуллари билан фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари олинган.

Таҳлил ва натижалар. Уй-жой коммунал хўжалигининг кўп қиррали тузилишига қарамай, бу инсоннинг нормал ишлаши, худуднинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлашини таъминлайдиган яхлит тизимдир. Аҳолининг уй-жой-коммунал хизматлар билан таъминланиш даражасини ушбу манбалар асосида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 90-йиллардан бошланган уй-жой коммунал хизматларидан фойдаланишнинг зарурий ва амалий даражаси ўртасидаги тафовут доимий равишда ортиб борди. Аҳолини умумий турар жой билан таъминлашнинг ўртача даражаси Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига тўғри келади ва бу кўрсаткич бугунги кунда мамлакатимизда ўртача ҳар бир кишига 16 м² ташкил этмоқда, ваҳо-

SANOAT IQTISODIYOTI

ланки, 2011 йилда бу кўрсаткич 15 м² тенг бўлган. Бироқ шуни айтиш керакки, дунёнинг айрим давлатлари билан солиштирганда бу кўрсаткич бирмунча паст эканлигини кўриш мумкин, жумладан, ушбу кўрсаткич 17,7 м² га тенг

эканлигини кўриш мумкин. Таҳлил қилинаётган даврда шаҳар уй-жой фонди ва қишлоқ уй-жой фондлари миқдори бир-бирига яқин кўрсаткични ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳоли уй-жой фонди [10]
(йил охирига; уй-жойлар умумий майдони, миллион квадрат метр)

Йиллар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами:	09,5	446,4	467,9	466,2	477,1	490,8	507,5	521,2	536,8	549,0
<i>шу жумладан:</i>										
Давлат	3,6	3,3	3,3	3,3	3,3	3,3	3,4	3,3	3,5	3,5
Нодавлат	435,9	443,1	454,6	462,9	473,8	487,5	504,1	517,9	533,3	545,5
Ўртача ҳар бир яшовчига, м ²	15,0	15,0	15,1	15,2	15,2	15,4	15,7	15,8	16,0	16,0
Шаҳар уй-жой фонди	231,9	235,8	237,2	240,6	245,0	249,1	269,4	266,0	273,5	279,2
<i>шу жумладан:</i>										
Давлат	3,3	3,1	3,1	3,1	3,1	3,1	3,1	3,1	3,1	3,1
Нодавлат	228,6	232,7	234,1	237,5	241,9	246,0	256,3	262,9	270,4	276,1
Ўртача ҳар бир яшовчига, м ²	15,4	15,4	15,3	15,4	15,4	15,4	15,8	16,0	16,1	16,1
Қишлоқ уй-жой фонди	207,6	210,6	220,7	226,6	232,1	241,7	246,1	266,2	263,3	269,8
<i>шу жумладан:</i>										
Давлат	0,3	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,3	0,2	0,4	0,4
Нодавлат	207,3	210,4	220,6	225,4	231,9	241,5	247,8	255,0	262,9	269,4
Ўртача ҳар бир яшовчига, м ²	14,6	14,6	14,9	14,9	15,0	15,4	15,5	15,7	15,9	16,0

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйича уй-жой фонднинг тақсимланиши турлича кўрсаткичга эга. Жумладан, 2020 йил якунига келиб ушбу кўрсаткич 649 миллион квадрат метрга тенг бўлган

бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 439,5 миллион квадрат метрга тенг бўлган ва сўнгги 10 йил ичида мамлакатимиздаги уй-жой фонди кўрсаткичи 210 миллион квадрат метрга ортанлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича уй-жой фонди тақсимоти [10]
(йил охирига уй-жойлар умумий майдони, миллион квадрат метр)

Йиллар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	439,5	446,4	457,9	466,2	477,1	490,8	507,6	521,2	636,8	649,0
Қорақалпоғистон Республикаси	25,8	25,9	27,9	28,9	29,2	30,0	35,1	35,1	31,4	31,6
Андижон	26,3	27,0	27,6	28,6	29,3	30,2	31,1	31,6	32,0	32,6
Бухоро	25,0	25,0	25,0	25,9	26,2	26,5	27,4	30,0	32,2	33,6
Жиззах	15,9	16,3	16,8	17,3	17,6	18,0	18,3	18,6	19,3	19,9
Қашқадарё	39,8	40,3	41,2	41,5	44,4	46,8	50,4	53,1	55,0	55,2
Навоий	17,6	17,7	17,9	18,0	18,3	18,9	20,7	21,3	22,1	22,5
Наманган	37,0	37,8	39,9	41,0	41,6	42,9	40,5	41,3	44,4	46,9
Самарқанд	46,0	47,0	48,3	49,6	50,9	53,1	55,6	56,8	58,0	59,3
Сурхондарё	29,9	30,2	30,5	30,7	31,0	31,3	31,7	32,2	33,1	33,9
Сирдарё	11,3	11,7	11,9	12,2	12,3	11,6	11,5	12,1	13,0	13,2
Тошкент	38,7	39,1	41,1	41,5	41,8	42,5	42,8	43,7	45,1	47,0
Фарғона	43,8	44,0	44,1	44,5	46,3	47,3	48,0	48,7	49,1	49,5
Хоразм	39,0	39,4	40,0	40,0	40,2	42,5	43,0	43,5	45,4	45,7
Тошкент ш.	43,4	45,0	45,7	46,5	48,0	49,7	51,4	53,2	56,7	58,1

Республикамиз минтақалари бўйича энг катта кўрсаткич Самарқанд вилояти (59,3 млн. м²), Тошкент шаҳри (58,1 млн. м²) ва Қашқадарё вилояти (55,2 млн. м²) ҳудудларига тўғри келган ҳолда ушбу ҳудудлардаги яшайдиган аҳоли

сонига мос кўрсаткични ташкил этмоқда. Бундан ташқари Навоий вилояти (22,5 млн. м²), Жиззах вилояти (19,9 млн. м²) ҳамда Сирдарё вилояти (13,2 млн. м²) уй-жой фонди кўрсаткичлари энг паст даражани ташкил этмоқда. Бу ҳам

ушбу вилоят ҳудудида яшайдиган аҳоли сони бирмунча бошқа минтақа ва ҳудудларга нисбатан кам эканлиги билан ажралиб туради.

Қуйидаги жадвалда мамлакат ҳудудлари ва минтақаларида яшовчи ҳар бир аҳолининг уй-жой билан ўртача таъминланганлиги келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича бир киши ҳисобида аҳолининг уй-жой билан ўртача таъминланганлиги [10]

(йил охирига уй-жойлар умумий майдони, миллион квадрат метр)

Ҳудудлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами:	15,0	15,0	15,1	15,2	15,2	15,4	15,7	15,6	16,0	16,0
Қорақалпоғистон Республикаси	15,3	15,2	16,2	И6,5	16,4	16,8	19,2	18,9	16,6	16,5
Андижон	9,8	9,9	9,9	10,1	10,2	10,3	10,4	10,4	10,3	10,3
Бухоро	14,7	14,6	14,4	14,6	14,6	14,5	14,8	15,9	16,9	17,4
Жиззах	13,5	13,7	13,8	13,9	13,9	13,9	13,9	13,9	14,1	14,3
Қашқадарё	14,5	14,4	14,4	14,2	14,8	15,3	16,2	16,7	16,9	16,7
Навоий	20,0	20,1	20,0	19,9	19,9	20,2	21,8	22,0	22,4	22,4
Наманган	15,4	15,5	16,1	16,2	16,1	16,3	15,1	15,2	16,0	16,5
Самарқанд	14,0	14,0	14,1	14,2	14,3	14,7	15,1	15,1	15,1	15,4
Сурхондарё	13,6	13,5	13,4	13,2	13,0	12,9	12,7	12,7	12,7	12,6
Сирдарё	15,5	15,7	15,8	15,8	15,7	14,6	14,3	14,6	15,5	15,4
Тошкент	14,6	14,6	15,1	15,1	15,0	15,1	15,0	15,2	15,5	15,9
Фарғона	13,4	13,3	13,1	13,0	13,3	13,4	13,4	13,3	13,2	13,3
Хоразм	24,1	24,0	23,9	23,6	23,2	24,1	24,0	23,9	24,5	24,3
Тошкент ш.	19,9	19,9	19,5	19,7	20,1	20,4	21,0	21,4	22,3	22,0

Ушбу жадвал маълумотлари асосида шуни айтиш мумкинки, сўнгги 10 йил давомида, яъни 2011-2020 йиллар оралиғида мамлакатимиз минтақаларида яшовчи ҳар бир аҳолининг уй-жой билан ўртача таъминланганлик кўрсаткичи 15 миллион квадрат метрдан 16 миллион квадрат метрга ортганлигини кўришимиз мумкин. Бироқ яна шуни айтиш мумкинки, Фарғона вилояти (13,3 млн. м²), Сурхондарё вилояти (12,6 млн. м²) ва Андижон вилояти (10,3 млн. м²) мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан анча паст кўрсаткични ташкил этмоқда. Бу ҳам, энг аввало, ушбу ҳудудларда яшовчи аҳоли сонининг юқорилиги ва кейинчалик эса ушбу минтақаларда қурилиш ишларининг бирмунча кам эканлиги билан изоҳланади.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, уй-жой коммунал хўжалиги муниципалитетларга тегишли бўлган асосий воситаларнинг ўртача 50-70 фоизини қоплайди ва шу билан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг моддий асоси ва уларнинг ижтимоий масъулиятининг энг муҳим йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Уй-жой коммунал хўжалигини сақлаш ва таъмирлаш учун маблағларнинг етишмаслиги, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг нораціонал механизми, уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш тузилмасининг тез-тез ва асоссиз қайта ташкил этилиши натижасида уй-жой коммунал хўжалигининг ишончлилиги кескин пасайиб кетади.

Уй-жой коммунал хўжалигини молиялаштиришнинг етишмаслиги хизмат кўрсатиш соҳасининг ушбу тармоғи фаолияти учун тегишли меъёрий-ҳуқуқий ёрдамнинг йўқлиги билан ортиб бормоқда.

Аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ва тарифларнинг ўсиши муносабати билан кўплаб пулли хизматлар турларига (уй-жой фондини таъмирлаш ва сақлаш, маиший хизматлар ва ҳоказо) талаб сезиларли даражада камайди ва уларнинг истеъмолчилари сони торайиб бормоқда. Натижада Ўзбекистон ва ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда кўрсатилаётган давлат хизматлари ҳажми ва сифати бўйича фарқ кескин ошиб бормоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой фонди ва уй-жой коммунал хизматларини кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларидан 5-6 баравар ортда қолмоқда. Бу жамиятда, айниқса, қиш фаслида энергия танқис бўлган ижтимоий кескинликни келтириб чиқаради.

Аҳолининг уй-жой-коммунал хизматлар билан таъминланиш даражасини ушбу манбалар асосида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 90-йилларда уй-жой коммунал хизматларидан фойдаланишнинг зарурий ва амалий даражаси ўртасидаги тафовут доимий равишда ортиб борган.

Аҳолининг тегишли эҳтиёжларини қондирадиган уй-жой коммунал хўжалигининг кичик тармоқлари одамларнинг нормал ҳаёти ва минтақанинг ҳам ижтимоий, ҳам ишлаб чиқариш тузилишининг ишлаши учун зарур шарт-шаро-

итларни таъминлайди. Уй-жой коммунал хўжалиги аҳолининг тегишли турмуш сифати, турмуш маданияти ва турмуш тарзини шакллантиради, кўп жиҳатдан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, инвестицион жозибадорлигини белгилайди.

Уй-жой коммунал хўжалигининг хизмат кўрсатиш соҳаси тармоғи сифатида инқирози кўйидаги сабаблар билан боғлиқ: саноатнинг заиф техник базаси; қобилятининг етишмаслиги; ривожлантириш ва жорий таъмирлаш учун зарур маблағларнинг йўқлиги ва шу кабилар. Уларнинг асоси ижтимоий йўналтирилган иқти-

содиёт учун тарифларни белгилаш ва тўловларни йиғиш механизми, тўлов тизимлари ва уй-жой қурилишини ривожлантириш учун ресурслардан фойдаланиш устидан назорат қилишнинг самарасиз ва номувофиқлигидир. Бундан ташқари аҳоли турмуш шароитининг яхшила-ниши бир қатор омилларга боғлиқлиги маълум, жумладан, иситиш тизимининг мавжудлиги ва иссиқ сувдан фойдаланиш имкониятлари, табиий газдан фойдаланиш даражаси ҳамда канализация тизимининг мавжудлиги аҳолининг турмуш сифати ва турмуш шароитларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондиди ободонлаштириш [10]

(йил охирига: фоиз ҳисобида)

Йиллар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами уй-жой фонди										
жиҳозланган уй-жой майдони улуши сув қувири	66,2	66,5	67,1	67,0	66,7	67,5	66,2	65,7	66,9	67,9
канализация	31,8	31,7	32,2	32,4	32,5	32,3	32,0	32,1	33,2	35,0
иситиш воситалари	42,8	43,0	43,0	43,2	43,2	43,6	43,1	42,9	46,5	47,1
табиий газ	79,5	79,8	80,4	79,8	79,0	74,2	67,9	67,2	67,3	68,2
иссиқ сув таъминоти	24,5	24,3	26,2	26,7	27,0	28,5	28,7	28,8	30,7	32,2
Шаҳар уй-жой фонди										
Жиҳозланган уй- жой майдони улуши	81,7	61,8	82,8	82,9	82,9	84,1	82,9	62,3	84,6	64,8
Сув қувири (канализация)	52,7	52,7	53,9	54,1	54,5	54,7	53,8	53,7	55,4	57,7
иситиш воситалари	59,0	59,2	59,0	59,3	59,6	60,2	59,4	59,2	63,0	63,9
табиий газ	86,7	86,9	87,5	87,4	87,1	85,6	82,7	62,2	82,8	83,6
иссиқ сув таъминоти	43,4	43,2	45,4	46,2	46,6	47,7	47,7	47,6	50,5	51,6
Қишлоқ уй-жой фонди										
Жиҳозланган уй-жой майдони улуши	49,0	49,2	50,3	50,1	49,6	50,4	48,8	48,4	48,6	50,4
Сув қувири (канализация)	8,4	8,3	8,9	9,2	9,3	9,2	9,3	9,7	10,2	11,6
иситиш воситалари	24,7	24,8	25,8	26,0	25,9	26,5	26,2	26,0	29,3	29,8
табиий газ	71,5	71,7	72,1	71,7	70,5	62,5	52,5	51,6	51,2	52,4
иссиқ сув таъминоти	3,3	3,2	5,5	6,0	6,4	8,6	8,9	9,2	10,2	12,2

Ушбу жадвалдан ҳам шуни кўриш мумкин, йиллар бўйича мамлакатимизда канализация тизими, табиий газдан фойданиш ҳамда аҳолининг иссиқ сув билан таъминланганлик даражаси ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистонда коммунал хизмат кўрсатишнинг етакчи кичик тармоқларининг ҳолати бугунги кунда жиддий ташвиш уйғотади.

Сув таъминоти. Ўзбекистонда ичимлик суви таъминотининг асосий манбалари ер усти сувлари (тахминан 70 %) ва фақат 30 фоиз ер ости сувларидир. Сўнгги йилларда сув сифати билан боғлиқ муаммолар кескин ёмонлашмоқда. Сув манбалари ҳамма жойда ифлосланган, чунки улар нафақат маиший ва саноат эҳтиёжлари учун сув олиш, балки канализация – маиший ва саноат сувларини қабул қилиш учун ҳам ишлатилади.

Мавжуд объектлар, сув таъминоти ва канализация иншоотларининг ишлаш даражаси мавжуд бўлганда, 2020 йилга келиб, оқова сув-

ларни тозалаш даражаси 60-65 фоизгача камаяди. Ичимлик сувини тозалашда қўлланиладиган кимёвий реактивлар ва дезинфекциялаш воситаларининг етишмаслиги туфайли республикамизнинг қатор ҳудудларида ичимлик суви санитария-техник кўрсаткичлар талабларига жавоб бермайди. Оқова сувларнинг 24 фоизга яқини тозаланмаган сув ҳавзаларига ташланади.

Ривожланган мамлакатларда бир киши учун кунлик сув истеъмоли нормаси 150-200 литрни ташкил қилади. Россияда ҳар бир аҳолига кунига ўртача 306 литр сув сарфланади. Бундай ортиқча сув истеъмоли сув таъминоти тизимларининг техник даражаси пастлиги (унинг тўғридан-тўғри йўқотишлари ҳар йили етказиб бериладиган сув ҳажмининг тахминан 10 фоизини ташкил қилади) ва истеъмоличилар томонидан сувдан нораціонал фойдаланиш билан боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини янада ривожлантиришнинг

истикболдаги стратегияларини ишлаб чиқишда куйидагилар асосий йўналишлар сифатида эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир:

- кўп қаватли уйларда ўз уй-жойига оид қарорлар қабул қилиш учун барча ҳуқуқларга ва ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг реал имкониятларига, шунингдек, қабул қилинган қарорлар учун маълум даражадаги жавобгарликка эга бўлган фаол ва масъулиятли бинолар эгаларини шакллантириш;

- тадбиркорликни ривожлантириш, рақобат муҳитини мустақамлаш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига хусусий инвестицияларни жалб этиш;

- кўп қаватли уйлардаги бинолар эгалари, бошқарувчи ташкилотлар ва ресурслар билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар тизимини такомиллаштириш;

- уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида энергия самарадорлигини ошириш.

Шунингдек, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича:

- уй-жой фондида фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, шу жумладан, кўп хонадонли уйларни бошқариш, кўп хонадонли уйлардаги умумий мулкни капитал таъмирлаш, шу жумладан, лифт ускуналарини модернизация қилиш, шунингдек, фуқароларни фавқулодда уй-жой фондидан кўчиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- коммунал ресурслар билан таъминлаш (давлат хизматларини кўрсатиш) соҳасида тартибга солинадиган фаолиятни амалга ошириш (электр энергияси ва газ таъминоти масалалари бошқа стратегик режалаштириш ҳужжатларида кўриб чиқилади), шу жумладан, совуқ сув таъминоти, канализация, иссиқ сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш ишларини олиб бориш;

- ижтимоий сиёсат, кадрлар сиёсати, шунингдек, жамоатчилик назорати каби соҳаларни ўз ичига олган уй-жой-коммунал хизмат кўрсатишнинг очиқ электрон ахборот тизимини шакллантириш.

Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат:

- фуқароларга қулай яшаш шароитларини таъминлаш мақсадида истеъмолчиларга сифатли уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатиш;

- уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги турли иштирокчиларнинг манфаатлари мувозанатининг мавжудлигини таъминлаш.

- уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги барча иштирокчиларнинг (ресурс таъминоти ташкилотлари, истеъмолчилар, кўп қаватли уйларни бошқарувчи ёки кўп қаватли уйдаги умумий мулкни жорий сақлаш бўйича хизматларни (ишларни) бажарувчи шахслар) ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятлари бўлиши керак, уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари манфаатларини аниқ шакллантириш, ҳисобга олиш ва ривожлантириш зарур. Ҳар бир бундай иштирокчининг барқарор ишлаши учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя қилган ҳолда зарарсиз фаолиятни амалга оширишга имкон берадиган иқтисодий шарт-шароитларни яратиш керак;

- экологик тозаликни таъминлаш (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, коммунал ресурсларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, энергия самарадорлиги стандартларини ошириш) асосида ривожланишни ташкил этиш. Ушбу чора-тадбирлар уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг жадал ривожланишини таъминлайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz>
2. Кондратьева М.Н. Организация и управление жилищно-коммунальным хозяйством. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Ульяновск: УлГТУ, 2009. – 160 с.
3. Бузырев В.В., Чекалин В.С. Экономика жилищной сферы. Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001. – 256 с.
4. Skrypnik O. Reform of housing-and-communal services at the federal, regional and municipal levels of management, as the basis of improvement of communication of the state and its population. // MATEC Web of Conferences 106, 08099 (2017), p. 5, <https://doi.org/10.1051/mateconf/201710608099>
5. Ekaterina Dmitrieva. Digitalization of the housing and communal services: development prospects. // E3S Web of Conferences 263, 04037 (2021), <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126304037>
6. Calzada J., Iranzo S. Can communal systems work? The effects of communal water provision on child health in Peru. // World Development. Volume 140, April 2021, 105261, <https://doi.org/10.1016/j.worlddev.2020.105261>
7. Hayes T., Murtinho F. Communal governance, equity and payment for ecosystem services. // Land Use Policy. Volume 79, December 2018, Pages 123-136, <https://doi.org/10.1016/j.landusepol.2018.08.001>
8. Минаев Н.Н., Шадейко Н.Р., Кольхаева Ю.А. Селиверстов А.А. Использование инструментов индикативного управления при разработке программ развития жилищно-коммунального комплекса муниципальных образований. // Журнал «Региональная экономика: теория и практика». 32 (359) 2014. С. 59.
9. Кобец Е.А., Ханина А.В. Генезис и тенденции развития сферы жилищно-коммунального хозяйства. Источник электронов: <http://iues.sfedu.ru/wp-content/uploads/2016/08/29777810.pdf>
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами – 2011-2020 й. – 289 б.
11. <https://stat.uz>